



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА  
СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТИЛИГИ,  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ  
ҲУЗУРИДАГИ ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, “MENING  
YURTIM” ТЕЛЕКАНАЛИ**

**Мамлакатимиздаги ёш ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ёш ёш хотин-қизларни ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёш хотин-қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Mening yurtim” телеканали **қарор қилади:**

**1. Мамлакатимиздаги ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш йўналишида самарали ишлар (кейинги ўринларда - Лойиха) ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Қуйидагилар:**

Лойиҳани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби **1-иловага**, лойиҳанинг низоми **2-иловага**, намунавий суҳбат комиссия таркиби **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги:**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарларидаги ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқиши бўлган қизлар иштирокида август ойида Ай-Ти марафон ташкил этиш;

Ай-Ти марафоннинг барча босқичларида хотин-қизлар учун Ай-Ти (ахборот технологиялари) йўналишида ўқув-дарс режаларини ишлаб чиқиш, видео-дарс маҳсулотларини тайёрлаш, босма услубий ўқув-қўлланмалар нашр қилиш ва иштирокчиларга тарқатиш;

Ай-Ти (ахборот технологиялари) йўналишидаги ўқув-курсларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида худудлардаги ва Тошкент шаҳридаги Ай-Ти Парк биноларида кўшимча зарурий шарт-шароитлар яратиш ва беғараз ажратиш;

Ўқув-курсларини муваффақиятли тамомлаган иштирокчиларни босқичма-босқич етакчи Ай-Ти компаниялар ва Ай-Ти марказларига ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

Лойиҳани ташкил этиш ва иштирокчиларини рағбатлантиришни кўшма қарорнинг 1-илоvasи, Низомда белгиланган тартибда амалга ошириш;

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарларидаги компьютер саводхонлиги, инглиз тили бўйича жалб этилаган малакали мутахассислар, менторлар ҳамда нутқ сўзловчилар (спикерлар)учун маош ажратиш;

Барча семинар-тренинг иштирокчилари учун “Coursera” онлайн платформасида бепул таълим олиш имкониятини яратиш ҳамда семинар-тренинг иштирокчилари учун эсдалик совғалар тақдим этиш;

Ай-Ти (ахборот технологиялари) йўналишидаги ўқув-курсларининг барча босқичларида мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритаётган Ай-Ти компаниялар, Ай-Ти марказлардаги малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш ҳамда ўқув-курси иштирокчиларининг билим ва кўникмаларини тест синовларидан ўтказиш, суҳбат ўтказиш ва таҳлил қилиб бориш вазифалари юклансин.

#### **4. Ёшлар ишлари агентлиги:**

Мамлакатимиздаги ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка худудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га кизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириш мақсадида вилоят ҳамда республика даражасида штаб фаолиятини йўлга қўйиш;

Маҳалладаги ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан биргаликда ҳар бир иштирокчининг анкетасини шакллантириш ва лойиҳада иштирок этиш учун хулоса бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарларидаги “Ёшлар марказ”ларида ўтказилиши белгиланган Ай-Ти марафонини юқори савияда ташкил этиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Сентябрь-ноябрь ойлари давомида ўтказилиши белгиланган ўқув-курслари жараёнларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиб бориш;

Лойиҳа доирасида иштирокчилар учун инглиз тили, этика, психологик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқувлар ва маданий тадбирлар ҳамда учрашувлар ташкил этиш;

Лойиҳани ташкил этиш ва иштирокчиларини рағбатлантиришни кўшма қарорнинг 1-илоvasи низомда белгиланган тартибда амалга ошириш;

Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларни расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш вазифалари юклансин.

## 5. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси:

Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ва маҳалладаги ёшлар етакчилари билан биргаликда ҳар бир иштирокчининг Ай-Ти (ахборот технологиялари) соҳасидаги қизиқиши, ижтимоий ҳолатини ўрганиш;

Лойиҳани ташкил этиш ва иштирокчиларини рағбатлантиришни қўшма қарорнинг 1-илоvasи, Низомда белгиланган тартибда амалга ошириш;

Лойиҳанинг финал босқичи иштирокчиларининг ташқи кўриниши ва лойиҳага мос ҳолда кийиниши учун малакали дизайнларни жалб этиш;

Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларни расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш вазифалари юклансин.

## 6. “Mening yurtim” телеканали:


Лойиҳада мамлакатимиз қизларини руҳлантиришга, лойиҳада иштирок этишга чорлаш ҳамда мотивацион жанрдаги тарғибот роликларни тасвирга олиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

“Mening yurtim” телеканали орқали ҳафтада бир марта, 6 ой давомида 45-60 дақиқалик кўрсатувлар ташкил этиб бориш вазифалари юклансин.

7. Мазкур қўшма қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири ўринбосари Р.Каримжонов, Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Д.Каттаханова, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М.Нурматова, “Mening yurtim” телеканали Бош директори Қ.Ахмедовлар зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
рақамли технологиялар  
вазири ўринбосари

  
Р. Каримжонов  
Тошкент ш, 2023 йил  
“ ” \_\_\_\_\_-сон


Ўзбекистон Республикаси ёшлар  
сиёсати ва спорт вазирининг  
биринчи ўринбосари - Ёшлар  
ишлари агентлиги директори

  
А. Саъдуллаев  
Тошкент ш, 2023 йил  
“ ” \_\_\_\_\_, 01.07/08-сон

Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги  
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

  
О. Парфиёева  
Тошкент ш, 2023 йил  
“ ” \_\_\_\_\_-сон

“Mening yurtim” телеканали  
Бош директори

  
Қ. Ахмедов  
Тошкент ш, 2023 йил  
“ ” \_\_\_\_\_-сон

Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, “Mening yurtim” телеканалиининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон қарорига

1-илова

**Мамлакатимиздаги хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка худудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қўмита**

### ТАРКИБИ

№	Ф.И.О	Лавозими
1.	Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли	Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг биринчи ўринбосари-Ёшлар ишлари агентлиги директори, <b>комиссия раиси</b>
2.	Каримжонов Рустам Олимжон ўғли	Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги ўринбосари, комиссия раиси <b>ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари</b>
3.	Каттаханова Дилноза Собиржон қизи	Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари, <b>комиссия аъзоси</b>
4.	Нурматова Мукаррам Аҳмедовна	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари, <b>комиссия аъзоси</b>
5.	Собирова Камола Шавкатовна	Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги маслаҳатчиси, <b>комиссия аъзоси</b>
6.	Аҳмедов Қобилжон Холиқович	“Mening yurtim” телеканали Бош директори, <b>комиссия аъзоси</b>
7.	Синдаров Ботир Ўқтам ўғли	Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи, <b>комиссия аъзоси</b>
8.	<i>Лавозимига кўра</i>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармалари бошлиқлари, <b>комиссия аъзоси</b>
9.	<i>Лавозимига кўра</i>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ёшлар ишлари бошқармалари бошлиқлари, <b>комиссия аъзоси</b>
10.	<i>Лавозимига кўра</i>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлинмалари бошлиқлари, <b>комиссия аъзоси</b>
11.	Атаханов Зохид Зокиржон ўғли	Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси, <b>комиссия котиби</b>

Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, “Mening yurtim” телеканалиининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон қарорига

2-илова

**Мамлакатимиздаги ёш ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳа**

## **НИЗОМИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1.1. Мамлакатимиздаги ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-Ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳа ҳисобланади.

1.2. Мазкур лойиҳада мамлакатимиздаги 18-30 ёшдаги ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизлар иштирок этишига рухсат берилади.

1.3. Лойиҳанинг финал босқичида 28 нафарнинг ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизларнинг ҳар бирига 10 млн сўмдан пул мукофоти ҳамда замонавий макбук тақдим этилади ҳамда энг фаол иштирок этган 3-5 нафар иштирокчи Америка Қўшма Штатларига Силикон водийси билан танишиш учун юборилади.

### **II. Лойиҳасининг мақсад ва вазифалари**

2.1. Мамлакатимизда ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизларни ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш.

2.2. Ёш хотин-қизларнинг таълим, илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш ва бошқа соҳалардаги фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни амалга ошириш.

2.3. Ёш хотин-қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, қизлар юзасидан ота-оналар ва умуман жамиятда мавжуд бўлган салбий ва чекланган стереотипларни бартараф қилиш.

2.4. Ёш хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-ти (ахборот технологиялари)га қизиқтириш, ўқитиш ва иш билан таъминлаш.

### **III. Лойиха иштирокчиларни саралаб олиш**

3.1. Ўзбекистон Республикаси бўйлаб кастинг эълон қилинади ва 3 – босқич асосида ҳар бир ҳудуд марказида Ай-Ти марафони ўтказилади.

3.2. Лойихада иштирок этишни истаган 18-30 ёшдаги ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизлар Тошкент шаҳрида 3 ой давомида АКТ, инглиз тили, этика, психологик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқувларда иштирок этишади.

### **IV. Лойихани ташкил этиш босқичлари**

**1-босқич** жорий йилнинг 2-26 август кунлари барча ҳудудларда камида **500 нафардан** ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизлар иштирокида “Ёшлар марказлари”да Ай-Ти марафон ташкил этилади.

4.1. Ай-Ти марафон доираси иштирокчиларга мотивацион тренинглар ташкил этилиб, ҳар бир иштирокчиларга ўқув-қўлланмалар бундан ташқари Ай-Ти (ахборот технологиялари) соҳаси бўйича видео дарсликлар тақдим этилади.

4.2. Ай-Ти марафони доирасида талабгорларнинг билимини баҳолаш юзасидан тест синовлари ўтказилади, шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси билан биргаликда иштирокчиларнинг ижтимоий ҳолати ва яшаш тарзи ўрганилиб, анкета тўлдирилади.

4.3. Сухбат комиссияси томонидан ҳар бир ҳудуддан 12 нафардан қизлар саралаб олинади, шу жумладан, 2 нафари ногиронлиги бор қизлар.

**2-босқич** жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойлари давомида ташкил этилади.

5.1. Ҳар бир ҳудуддан 12 нафардан жами 168 нафар ёш хотин-қизларни ҳудудлардаги Ай-Ти Парк биносида АКТ ва инглиз тилига нолдан бошлаб ўқитилади.

5.2. Ноябрь ойида сухбат комиссияси томонидан 168 нафар ёш хотин-қизлардан шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизлардан 28 нафар финалчилар саралаб олинади.

5.3. Ҳудудларда Ай-Ти (ахборот технологиялари) соҳасида ўқишни давом эттираётган 140 нафар иштирокчиларнинг ҳар бирига ноутбук тақдим этилади.

**3-босқич** жорий йилнинг декабрь-февраль ойлари давомида финал босқичи ташкил этилади.

6.1. Иштирокчилар учун реалити шоу ташкил этилиб, лойиха доирасида 28 нафар иштирокчилар Тошкентда Ай-Ти Ҳаусда яшаши учун ҳар бир иштирокчига алоҳида хона ажратилади, уларга АКТ, инглиз тили, этика, психологик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқувлар ва маданий тадбирлар ҳамда учрашувлар ташкил этилади.

6.2. Реалити шоуда тасвирга олиш учун коридор, хоналар ҳар бир хонага иштирокчининг катта сурати осиб қўйилади ва “Сен удалайсан!” мотивацион гап ёки ота-онасининг расми ҳамда “Биз сенга ишонамиз” шиорлари қўйилади.

6.3. Иштирокчилар дарс машғулотлар хонаси Ай-Ти Ҳаусда ёки Ай-Ти паркда ташкил этилади.

6.4. Бундан ташқари, ҳар ҳафта иштирокчи ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизларни Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритаётган Ай-Ти компаниялар, Ай-Ти марказларга саёҳатлари ташкил этилади.

6.5. Иштирокчилар учун ўқув дарс жадвали тузиб чиқилиб, 3 ойлик Ай-Ти дарслари билан бирга шахсий ривожланишга қаратилган қўшимча машғулотлар ўтказилади.

6.6. Иштирокчи ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизлар Ай-Ти бўйича машғулотлардан ташқари ўз устида ишлашлари лозим бўлади. Шунингдек, лойиҳа иштирокчилари спорт мусобақалари, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат, табиат қўйнига саёҳат қилиш каби имтиёзлардан фойдаланишади.

6.7. Мазкур реалити шоу 45-60 дақиқа давомида томошабин эътиборини жалб қилиш учун ҳар бир худудда ўтказилган марафонлардан лавҳалар тайёрланади, иштирокчилар ҳикояси ҳар бир сонда битта қизнинг ҳикояси берилади, уйи, ота-онаси, дугоналари ва ҳ.к. билан, Ай-Ти дарси, психология, бизнес этика дарси, нотиклик санъати, СММ ҳамда машхурлар билан суҳбат ўтказилади.

## **V. Лойиҳани молиялаштириш**

7.1. Лойиҳанинг барча босқичлари, очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан молиялаштирилади.

7.2. Ай-Ти марафонининг барча босқичларида ёш хотин-қизлар учун Ай-Ти (ахборот технологиялари) йўналишида видео-дарс маҳсулотларини тайёрлаш, ўқув-дарс режасини ишлаб чиқиш, босма услубий ўқув-қўлланмалар нашр қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7.3. Барча босқичларга жалб этиладиган малакали мутахассисларнинг хизмат сафари ва маош ҳамда Ай-Ти (ахборот технологиялари) соҳасида ўқишни давом эттираётган 140 нафар иштирокчиларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7.4. Лойиҳани тасвирга олиш ва эфирга узатиш (*хафтада бир марта, 6 ой давомида*) ҳамда ҳудудларда Ай-Ти (ахборот технологиялари) соҳасида ўқишни давом эттираётган 140 нафар иштирокчиларга ноутбук, финал босқичи иштирокчиларининг 28 нафарига макбук ва 10 млн (ўн миллион) сўм пул маблағларини ажратиш шунингдек, энг фаол иштрок этган 3-5 нафар иштирокчиларни Америка Қўшма Штатларининг Силикон водийсига саёҳатларини ташкил этиш харажатлар **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги** томонидан амалга оширилади.

7.5. Реалити шоу доирасида иштирокчилар учун инглиз тили, этика, психология, юмшоқ кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқувлар ва маданий тадбирлар ҳамда учрашувлар ташкил этиш билан харажатлар **Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги** томонидан амалга оширилади.

7.6. Лойиҳанинг финал босқичида иштирок этаётган 28 нафар ёш хотин-қизлар шу жумладан, ногиронлиги бўлган қизларнинг яшаш ва яшаш даврида 3 маҳал овқатланиш ҳамда лойиҳага мос равишда кийиниши билан боғлиқ харажатлар **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси** томонидан амалга оширилади.

7.7. Лойиҳани оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш, асосан **“Mening yurtim”** телеканали томонидан амалга оширилади.

#### **IV. Яқуний қоидалар**

8.1. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган қоидалар **Ўзбекистон Республикаси** амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8.2. Мазкур Низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш Республика ташкилий қўмитаси қарори билан амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон, “Mening yurtim” телеканалиининг 2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_-сон қарорига

3-илова

**Мамлакатимиздаги хотин-қизларни шу жумладан, ногиронлиги бўлган, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи қизларни Ай-ти (ахборот технологиялари)га ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳада иштирок этувчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини тест синовларидан ўтказиш ва суҳбат ташкил этиш бўйича**

### **КОМИССИЯ ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.О</b>	<b>Лавозими</b>
1.	Лавозимига кўра	Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими
2.	Лавозимига кўра	Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирлиги масъул ходими
3.	Лавозимига кўра	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходими
4.	Лавозимига кўра	Малакали психолог
5.	Лавозимига кўра	Телебошловчи
6.	Лавозимига кўра	Ай-ти соҳаси мутахассиси